



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ПАСПОРТ-ВИЗА ҚОИДАЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Бабаханов Ҳамдам Қадамович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси
ўқитувчиси, майор

Қаландаров Жавоҳир Бахтияр ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги
таълим Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти
иҳтисослиги бўйича таълим олаётган 2-ўқув курси 212-
ўқув гуруҳи курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14989220>

ARTICLE INFO

Received: 27th February 2025

Accepted: 28th February 2025

Published: 7th March 2025

KEYWORDS

Профилактика инспектори,
паспорт-виза қоидалари,
ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш,
паспорт режими, хавфсизлик,
ҳуқуқий тартиб, замонавий
технологиялар, назорат,
идентификация.

ABSTRACT

Ушбу мақолада профилактика инспекторининг паспорт-виза қоидаларини таъминлаш фаолиятини такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинган. Жумладан, мазкур жараёндаги мавжуд муаммолар, уларни ҳал этиш усуллари ҳамда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш имкониятлари ўрганилган. Шунингдек, профилактика инспекторларининг малакасини ошириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва паспорт-виза тартибини кучайтириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ҳозирги замонда миграция жараёнларининг кескин кўпайиши ва халқаро муносабатларнинг мураккаблашиши натижасида паспорт-виза тизимининг ишончилиги ва самардорлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикасида миграция сиёсатининг ривожлантирилиши, халқаро ҳамкорликнинг кенгайиши ва туризм соҳасининг жиддий ўсиши паспорт-виза тизимининг замонавий талабларга мос келишини тақозо этмоқда.

Ҳозирги замонавий дунёда давлатларнинг кўпчилигининг ривожланиш истиқболлари миграция жараёнларига боғлиқ бўлиб қолганлиги сабабли, давлатларнинг ривожланишини миграция жараёнларисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Шу сабабдан, жаҳоннинг кўпгина давлатлари миграция соҳасидаги муносабатларни такомиллаштиришга, уларни ҳуқуқий тартибга солувчи базани яратишга ва ривожлантиришга, шунингдек бошқа давлатлар билан миграция соҳасида икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар тузишга ҳаракат қилишмоқда. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари энг аввало Конституция¹ билан кафолатланган бўлиб, жумладан, 22-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги, унга қандай асосларда эга бўлганликдан қатъи назар, ҳамма учун тенгдир.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси., 2023 й

Қорақалпоғистон Республикасининг фуқароси айна вақтда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади.

Фуқароликка эга бўлиш ва уни йўқотиш асослари ҳамда тартиби қонун билан белгиланади”, - деб фуқароларни яшаш жойини танлаш борасидаги ҳуқуқлари белгиланган.

Фуқароларнинг бу йўналишдаги ҳуқуқ ва эркинликлари паспорт-виза қоидаларига риоя этилишини таъминлаш орқали тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцисининг²нинг 24-моддасида “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчларни адо этадилар”, деб белгилаб қўйилиши давлат томонидан чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга тайёр эканлигини кўрсатади. Ушбу норма давлат томонидан миграция соҳасидаги муносабатларнинг ривожланиши учун ҳам ҳуқуқий замин бўлиб хизмат қилади.

Паспорт виза қоидалари – Ўзбекистон фуқаролари шахсини тасдиқлайдиган паспортларни бериш ҳамда аҳолини ҳисобга олиш, унинг мамлакат ҳудудидаги ҳаракатини тартибга солиш, конституцияда белгилаб қўйилган ҳуқуқлар амалга оширилишини, фуқаролар ўз бурчларини бажаришларини таъминлаш, жамоат тартиби ва давлат хавфсизлигини муҳофаза қилиш мақсадида аҳолини истиқомат жойида рўйхатга олиш ва рўйхатдан чиқариш, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистонга келиш ва унда бўлиш, яшаш тартибини белгилаб берадиган ҳуқуқий нормалар йиғиндиси.

Паспорт-виза қоидаларини таъминлашда профилактика инспекторлари муҳим ўрин тутаяди. Улар фуқароларнинг паспорт-виза ҳужжатларини назорат қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва давлат хавфсизлигини таъминлаш каби вазифаларни бажараяди.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари энг аввало Конституция билан кафолатланган бўлиб, жумладан, 22-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилаяди.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги, унга қандай асосларда эга бўлганликдан қатъи назар, ҳамма учун тенгдир.

Қорақалпоғистон Республикасининг фуқароси айна вақтда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади.

Фуқароликка эга бўлиш ва уни йўқотиш асослари ҳамда тартиби қонун билан белгиланади.”, - деб фуқароларни яшаш жойини танлаш борасидаги ҳуқуқлари белгиланган.

Фуқароларнинг бу йўналишдаги ҳуқуқ ва эркинликлари паспорт-виза қоидаларига риоя этилишини таъминлаш орқали тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддаси талабларига асосан “Қонуний асосларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиб турган ҳар ким мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиш, турар ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқига эга, бундан қонунда белгиланган чекловлар мустасно.

Ҳар ким Ўзбекистондан ташқарига эркин чиқиш ҳуқуқига эга, бундан қонунда белгиланган чекловлар мустасно. Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистонга тўсқинликсиз қайтиш ҳуқуқига эга”лиги белгиланган бўлиб, мазкур қоидалардан келиб чиқиб мамлакатимизда папорт-виза қоидалари шакллантирилди. Мазкур йўналишдаги асосий вазифалар ички ишлар органлари зиммасига юклатилган бўлиб,

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси., 2023 й

шу жумладан профилактика инспекторларининг мазкур йўналишдаги ишларни самарали ташкил этиш ва амалга оширишда профилактика инспекторларининг роли муҳим ўринни эгаллайди. Ўзбекистон Республикаси Президентди Шавкат Мирзиёев ушбу масалаларга алоҳида тўхталиб, «Биз “Адолат – қонун устуворлигида” деган тамойил асосида жамиятимизда қонунга ҳурмат, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига мурасасизлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган ишларимизни жадал давом эттирамиз. Бу борада ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун аввало, маҳалла имкониятларидан кенг фойдаланиш, профилактика инспекторларининг иш самараси ва маъсулиятини ошириш, улар учун муносиб хизмат ва турмуш шароитини яратиб бериш чораларини кўришимиз даркор»³ такидлаб ўтди.

Ўзбекистон Республикасида паспорт-виза қоидаларини таъминлаш қўйидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланган ҳолда амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги

ПФ-5005-сонли «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг миграция жараёнлари ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 11 июлдаги ПҚ-3126-сонли қарори, 2018 йил

5 июлдаги «Ўзбекистон Республикасининг ташқи меҳнат миграция тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3839-сонли қарори, 2018 йил 28 августдаги «чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий яшаш жойи ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3924-сонли қарори, 2020 йил 22 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-карталарни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6065-сон Фармони, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролиги тўғрисида»ги Қонуни 2020 йил 13 мартдаги ЎРҚ-610-сон Қонун, 2021 йил 04 июндаги Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида»ги ЎРҚ-692-сон Қонунлари қабул қилиниб паспорт-виза қоидаларига риоя этилишининг асосий йўналишларини белгилаб берди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси билан бир қатор давлатлар имзолаган битимларга асосан фуқароларнинг ўзаро келиб-кетишлари тартиблари аниқ белгилаб берилди ва дипломатик паспортга эга бўлган айрим чет эл фуқароларига эса мамлакатимиз ҳудудига визасиз келиб-кетиш ҳуқуқи берилди. Ўзбекистон Республикаси тадбиркорлари учун ташқи иқтисодий фаолият эркинлиги ҳамда республика иқтисодиётининг хорижий инвестициялар учун очиқлиги, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасига кириши ва республикамизда бўлиши учун мавжуд бўлган кўплаб маъмурий таъқиқлар ва чекловларнинг олиб ташланиши, савдо ва туризмнинг ривожланишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Италия, Испания, Буюк Британия, Франция, Бельгия, Латвия ва бошқа бир қатор хорижий давлатлар фуқароларининг мамлакатимизга виза асосида келиб-кетишлари тартиблари соддалаштирилди ва улар учун қулайликлар яратилди. Шунингдек Туркия, Япония, Корея каби бир қатор

³ Шавкат Мирзиёев. «Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови». Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси./ Халқ сўзи., 2016., № 243 (6678) Б.1-3.

мамлакат фуқароларига бир ойгача визасиз келиб кетиш учун рухсат берилди. Мазкур қоидаларнинг татбиқ этилиши республикамиздаги хорижий фуқаролар сонининг кескин ортишига олиб келди.

Паспорт ва визаларга саёҳат ҳужжатлари сифатида фақат Биринчи жаҳон урушидан кейин зарурат пайдо бўлган. Ўзи аслида нега виза талаблари бор, нега айрим давлатларда чекловлар мавжуд, Ўзбекистон фуқаролари қайси давлатларга қийинчиликсиз бора олади, ҳаммасини кетма-кет санаб ўтсак.⁴

Виза сиёсати

Давлатларнинг чет эл фуқароларига нисбатан виза чекловларини қўйишининг асосий сабаблари ноқонуний иммиграцияни чеклаш, хавфсизлик муаммоларини бартараф этишдир. Одатда, давлатлар сиёсий жиҳатдан беқарор ва нодемократик мамлакатлар фуқаролари билан бир қаторда камбағал мамлакатлар фуқароларига ҳам виза чекловларини қўяди, чунки бу мамлакатлардан келган одамлар ноқонуний иммиграцияга интилиш эҳтимоли кўпроқ деб ҳисобланади. Виза чекловлари, шунингдек, бошқа давлат фуқаролари террорист ёки жиноятчи бўлиш эҳтимоли кўпроқ бўлган ёки хорижий таъсирни ўз ҳукмронлигига таҳдид деб биладиган авторитарик режимлар томонидан қабул қилинганда ҳам жорий этилиши мумкин. Лондон Иқтисодиёт мактаби профессори Эрик Ноймеернинг фикрича:

Мамлакат қанчалик камбағал, нодемократик ва қуролли сиёсий тўқнашувларга кўпроқ дучор бўлса, унинг паспорт эгаларига нисбатан виза чекловлари жорий этилиши эҳтимоли шунчалик юқори. Худди шу нарса ўтмишда фуқаролари террорчилик ҳаракатларининг асосий айбдорлари бўлган мамлакатлар учун ҳам амал қилади.

Ҳар бир мамлакатда одатда турли номларга эга кўплаб тоифадаги визалар мавжуд. Визаларнинг энг кенг тарқалган турлари ва номлари қуйидагилардан иборат:

Мақсад бўйича:

Транзит визалар - Берилган мамлакат орқали ушбу мамлакатдан ташқаридаги манзилга ўтиш учун.

Транзит визаларининг амал қилиш муддати одатда қисқа муддатлар билан чекланади, масалан, мамлакатнинг катталигига ёки маълум бир транзит маршрутнинг шароитларига қараб бир неча соатдан ўн кунгача бўлиши мумкин. Улар ҳам 2га бўлинади:

1. Баъзи мамлакатлар ўз аэропортлари орқали ҳатто паспорт назоратсиз ўтиш учун ҳаво йўли транзит визаси.
2. Самолётларда, кемаларда, поездларда, юк машиналарида, автобусларда ва бошқа халқаро транспорт воситаларида ишлайдиган ёки ўқитиладиган шахсларга бериладиган экипаж аъзоси, стюард ёки ҳайдовчи визаси.

Қисқа муддатли ёки меҳмон визалари

Таклиф қилинган мамлакатга қисқа муддатли ташрифлар учун:

1. Хусусий виза, мамлакат аҳолисининг таклифига биноан шахсий ташрифлар учун.
2. Туристик визалар, чекланган вақт давомида саёҳат қилиш учун, бунда бизнес фаолиятига рухсат берилмайди.
3. Тиббий виза, ташриф буюрилган давлат шифохоналари ёки бошқа тиббий муассасаларда диагностика ёки даволаниш курсини ўтказиш учун.
4. Бизнес визаси, мамлакатда тижорат билан шуғулланиш учун. Ушбу визалар одатда доимий ишга жойлашишда истисно қилади, чунки бунинг учун иш визаси талаб қилинади.
5. Ишчи дам олиш визаси, мамлакатлар ўртасида саёҳат қилувчи шахслар учун ишчи таътил дастурини таклиф қилади, бу ёшларга саёҳат пайтида вақтинчалик иш билан шуғулланиш имконини беради.

⁴ <https://platina.uz/2024/03/19/ozbekiston-fuqarolari-qaysi-davlatlarga-vizasiz-borish-mumkin>

6. Мусобақаларда, концертларда, шоуларда ва бошқа тадбирларда иштирок этувчи спортчилар ва ижрочиларга (ва уларнинг ёрдамчи ходимларига) бериладиган спорт ёки бадий виза.

7. Маданий алмашинув визаси одатда маданий алмашинув дастурида иштирок этаётган спортчилар ва ижрочиларга берилади.

8. Қочқинлар визаси таъқиблар, уруш ёки табиий офат хавфидан қочган шахсларга берилади.

9. Зиёрат визаси: бу турдаги визалар асосан диний маросимларда қатнашиш ниятида бўлганларга берилади. Бундай визалар одатда нисбатан тез ва арзон нархларда олиниши мумкин; Улардан фойдаланадиганлар одатда фақат гуруҳ сифатида саёҳат қилишлари мумкин. Бунга энг яқин мисол Саудия Арабистонининг Ҳаж визаси.

Узоқ муддатли визалар

Нисбатан узоқ муддатда қолиш учун амал қиладиган визалар қуйидагилардан иборат:

1. Талабалик визаси (АҚШда F-1), бу унинг эгасига берилган мамлакатдаги олий таълим муассасасида ўқиш имконини беради. F-2 визаси талабанинг қарамоғидаги шахсларга АҚШда уларга ҳамроҳлик қилиш имконини беради.

2. Тадқиқот визаси, қабул қилувчи мамлакатда амалиёт ишларини олиб бораётган талабалар учун.

3. Вақтинчалик ишчи визаси, қабул қилувчи мамлакатда олдиндан тасдиқланган ишга жойлашиш учун. Уларни олиш одатда қийинроқ, лекин бизнес визасига қараганда узоқроқ муддатга амал қиладди. Бунга мисол қилиб Қўшма Штатларнинг H-1B ва L-1 визаларини келтириш мумкин. Муайян мамлакатга қараб, вақтинчалик ишчи мақоми доимий резидент мақомига ёки фуқароликка айланиб кетиши мумкин.

4. Журналистлик визаси, баъзи давлатлар ўз ахборот ташкилотларига чет элдан ушбу касбдаги одамларни жалб қиладди. Буни талаб қиладиган давлатлар қаторига Куба, Хитой, Эрон, Япония, Шимолий Корея, Саудия Арабистони, АҚШ (И-виза) ва Зимбабве киради.

5. Яшаш визаси, мезбон мамлакатда узоқ муддатли яшаш ҳуқуқини олган шахсларга берилади. Баъзи мамлакатларда, масалан, Янги Зеландияда, узоқ муддатли виза олиш давлат фуқаролиги мақомини олиш учун зарур қадамдир.

6. Сиёсий бошпана визаси, ўз мамлакатада сиёсий фаолияти ёки қарашлари, хусусиятлари ёки ижтимоий гуруҳ билан алоқаси туфайли таъқибдан азият чеккан ёки асосли равишда қўрққан одамларга берилади.

7. Баъзи бошқа турдаги узоқ муддатли визага эга бўлган оила аъзоларига (масалан, вақтинчалик ишчи визасига эга бўлган малакали ходимнинг турмуш ўртоғи ва фарзандларига) бериладиган қаровчилик визаси.

Ўзбекистон фуқаролиги паспорти билан қайси давлатларга виза талаб қилинмайди?

Шимолий ва Лотин Америкаси:

Доминика — 21 кун;

Барбадос — 28 кун;

Антигуа ва Барбуда — 1 ой;

Цент-Винсент ва Гренадина — 1 ой;

Эквадор — 3 ой;

Гаити — 3 ой.

Африка:

Сейшел ороллари — 1 ой;

Намибия — 2 ой;

Европа:

Россия; Беларус; Арманистон; Грузия; Косова — 90 кун;

Молдова — 90 кун;

Украина — 90 кун.

Океания:

Кук ороллари — 1 ой;

Микронезия Федератив Штатлари — 1 ой;

Ниуэ — 1 ой;

Тувалу — 1 ой;

Самоа — 60 кун.

Осиё:

Қозоғистон; Малайзия — 30 кун;

Туркия — 30 кун;

Қирғизистон — 60 кун;

Озарбайжон — 90 кун.

Яқинда Ўзбекистон фуқаролари 30 кундан ошмаган муддатда Бирлашган Араб Амирликлари ҳудудида бўлиши даврида виза талабларидан озод этилди. Шундай қилиб БААни ҳам виза талаб қилинмайдиган давлатлар қаторига қўшсак бўлади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон фуқароларидан виза олмасдан боришлари мумкин бўлган бошқа давлатлар ҳам мавжуд. Бироқ визалар белгиланган мамлакатга келганда аэропортда ёки олдиндан онлайн тарзда олиниши лозим бўлади. Бу давлатлар: Боливия, Ямайка; Никарагуа. Мали; Гамбия; Бурунди; Кабо-Верде; Комор ороллари; Жибути; Гвинея-Бисау; Кения; Мадагаскар; Маврикий; Мозамбик; Того; Уганда; Замбия; Палау. Иордания, Камбоджа, Лаос, Ливан, Макао, Малдив, Непал, Шри-Ланка, Сурия, Таиланд, Тимор-Леште.

Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими қоидаларига риоя этилишини ва бу соҳадаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш таъминлаш Ички ишлар Вазирлиги зиммасига юклатилган. Мамлакатмизда охириги йилларда амалга оширилган ислохотлар жараёнида паспорт тизими қоидалари такомияллаштирилиб, Ички ишлар органларининг ушбу йўналишдаги махсус хизматининг фаолияти такомиллаштирилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сонли «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»⁵ги Фармонида Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси **“Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармасига”**га айлантирилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг миграция жараёнлари ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 11 июлдаги ПҚ-3126-сонли қарорида мазкур хизматнинг мақоми белгилаб берилди.

Дунёда миграция жараёнлари жадал ривожланмоқда. Бу, ўз навбатида, паспорт-виза қоидаларини такомиллаштириш заруратини юзага келтиради. Масалан:

- Халқаро меҳнат миграцияси ортмоқда, бу эса хорижий фуқароларнинг қонунийлигини текширишни талаб қилади.
- Туризм соҳаси ривожланиши билан виза тартибларини енгиллаштириш ва хавфсизликни таъминлаш ўртасида мувозанат сақлаш муҳим.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-5005-сонли Фармони.

- Ноқонуний миграция ва терроризм таҳдидлари паспорт-виза қоидаларини янада кучайтиришга сабаб бўлмоқда.

Профилактика инспекторининг паспорт-виза қоидаларини таъминлашдаги ўрни ва вазифалари

Профилактика инспекторлари қуйидаги йўналишларда фаолият олиб борадилар: **биринчи.** Фуқароларнинг паспорт ва идентификация ҳужжатларини текшириш; **иккинчи.** Чет эл фуқаролари ва ноқонуний мигрантлар бўйича мониторинг ўтказиш; **учинчи.** худдуда паспорт тизими қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича ишларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш; **тўртинчи.** ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ошириш, аҳоли орасида паспорт тизими соҳасидаги қонунчиликнинг талабларини тушунтириш бўйича тадбирларни амалга ошириш;

Замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш имкониятлари

Замонавий технологияларни жорий қилиш паспорт-виза назоратини яхшилашда муҳим рол ўйнайди:

- Қонунбузарликларни тезкор аниқлаш учун ахборот тизимларидан фойдаланиш;
- Чегара ҳудудларида автоматлаштирилган текширув тизимларидан фойдаланиш.

Мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари

- Паспорт-виза тизимини автоматлаштириш етарли даражада эмаслиги.
- Профилактика инспекторларининг малакасини доимий равишда ошириш зарурлиги.

ушбу муаммоларни ҳал этиш учун:

- Инспекторларнинг малакасини ошириш бўйича мунтазам ўқув курслари ўтказиш;
- Паспорт-виза жараёнларини рақамлаштириш ва автоматлаш-тиришни жадаллаштириш;
- Халқаро тажрибадан фойдаланган ҳолда хавфсизлик чораларини кучайтириш таклиф этилади.

Паспорт-виза қоидаларини такомиллаштириш ва инспекторининг профилактика фаолиятини самарали ташкил этиш Ўзбекистон Республикасининг миграция сиёсатининг муҳим элементларидан биридир. Ўзбекистоннинг норматив-ҳуқуқий базаси ва халқаро тажрибаларни инобатга олган ҳолда амалга ошириладиган чоратадбирлар бу соҳадаги ишларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Фойданалган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023.
2. Шавкат Мирзиёев. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови”. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси./ Халқ сўзи., 2016., № 243 (6678) Б.1-3.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни.

4. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора - тадбирлари тўғрисида” ПФ-5005-сон Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг миграция жараёнлари ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 11 июлдаги ПҚ-3126-сонли қарори,
9. 2018 йил 5 июлдаги “Ўзбекистон Республикасининг ташқи меҳнат миграция тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3839-сонли қарори,
10. 2018 йил 28 августдаги “чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий яшаш жойи ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3924-сонли қарори,
11. 2020 йил 22 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-карталарни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6065-сон Фармони,
12. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролиги тўғрисида”ги Қонуни 2020 йил 13 мартдаги ЎРҚ-610-сон Қонун,
13. 2021 йил 04 июндаги Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида”ги ЎРҚ-692-сон Қонуни.
14. Қадамович, Бабаханов Ҳамдам, and Дилшодбек Ўткур Ўғли Расулов. "ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАТИКАСИДА ФУҚАРОЛАР ИШТИРОКИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ." *Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies* 2.2 (2024): 128-132.
15. Бобур, Мустофақулов, Асрор Ўғли, and Ниятулло Жаҳонгир Ўғли Аҳмадулов. "ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ ТОМОНИДАН МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ МУРОЖААТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ." *Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies* 2.2 (2024): 58-62.